

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Наманган давлат университети  
ректори С.Т.Тургунов  
“ ” \_\_\_\_\_ 2022 й.

“МАЪҚУЛЛАЙМАН”  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК раиси  
А.Т.Юсупов  
“ ” \_\_\_\_\_ 2022 й.

10.00.11 - “ТИЛ НАЗАРИЯСИ. АМАЛИЙ ВА КОМПЬЮТЕР  
ЛИНГВИСТИКАСИ” ФАНИДАН  
МАХСУС ИМТИҲОН ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация Комиссияси  
Раёсатининг 2022-йил “30” сентябр даги 323/4-сонли  
қарори билан тасдиқланган

Наманган – 2022

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ  
КОМИССИЯСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТИЛ НАЗАРИЯСИ МУТАХАССИСЛИГИДАН  
МАЛАКАВИЙ ИМТИҲОН**

**ДАСТУРИ**

Наманган – 2022

**К И Р И Ш**

Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси ДТС, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури тўғрисида”ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги Низом”и асосида ва унинг талабларига мувофиқ тузилди.

Дастурни тайёрлашда “Назарий тилшунослик масалалари”, “Матн тилшунослиги”, “Прагматингвистика”, “Лингвокультурология”, “Психолингвистика”, “Тил тарихи”, “Тилшунослик назарияси”, “Тилшунослик ва табиий фанлар”, “Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси”, “Услубшунослик муаммолари”, “Ҳозирги ўзбек тили”, “Ўзбек тили таълимида замонавий ахборот технологиялари” фанлари дастурларига таянилди.

## **“ТИЛ НАЗАРИЯСИ” МУТАХАССИСЛИГИДАН МАЛАКАВИЙ ИМТИҲОН ДАСТУРИ**

### **Назарий тилшунослик масалалари**

Назарий тилшунослик масалалари курсига кириш. Фаннинг мақсади ва вазифаси. Тил ва нутқ антиномияси. Тил структураси ва функцияси. Тилнинг белгилик хусусиятлари. Тил бирликларининг белгисиз хусусиятлари. Тил очик ва динамик система сифатида. Морфологик сатҳнинг икки типи. Синтактик сатҳ бирликлари. Тилнинг лексик-семантик сатҳи. Тил структураси назарияси. Изоморфизм. Тил сатҳлари иерархияси. Нутқий системанинг структур хусусиятлари. Эмпирик ва рационал билишда тил ва тафаккур муносабати. Тил ва рухий фаолият.

### **Тилшуносликнинг долзарб муаммолари**

Анъанавий ва системавий тилшунослик муносабати масалалари. Анъанавий йўналишлар. Янги йўналишлар. Фонетика ва фонология муаммолари. Сўз ясалиши муаммолари. Морфемика муаммолари. Лексикология муаммолари. Лингвистикада майдон назарияси. Морфология. Сўз туркумлари талқини. Мустақил сўзлар. Ёрдамчи сўзлар талқини. Синтаксис. Янги қарашлар. Гап бўлаклари талқини. Бинар ва тренар тамойиллар. Мазмуний синтаксис. Лингвистик таълимотлар тарихи. Структур тилшуносликнинг асослари ва йўналишлари. Лингвистик нисбийлик назарияси. Жаҳон тилшунослигидаги янги йўналишлар. Ўзбек илмий тилшунослигининг ривожланиши.

### **Лингвокультурология**

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни. Тил, маданият ва инсон.

Тилшуносликда “парадигма” тушунчаси. Тилшуносликда парадигмаларнинг ўзгариши масаласи. Парадигмаларнинг қиёсий-тарихий, сис-тем-структур ва антропоцентрик турлари. Билимларнинг янги антропо-центрик парадигмаси ва унинг лингвокультурологиядаги ўрни. Лингвокультурологиянинг бошқа фанлар орасидаги мақоми. Лингвокультурологиянинг этнолингвистика, социоллингвистика ва этнопсихоллингвистика билан чамбарчас боғлиқлиги.

Маданият ва унинг ўрганилиши. Лингвокультурология тарихи ва назарий асослари. Лингвокультурологиянинг тадқиқот объекти, предмети, мақсади ва вазифалари. Лингвокультурология методологияси ва методлари. Лингвокультурологиянинг асосий тушунчавий-терминологик аппарати. Тил ва маданият. Тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси. Фанда “тил-маданият” масаласининг ўрганилиши: В. фон Гумбольдтнинг “тил-маданият” ҳақидаги лингвистик таълимоти. Э. Сепир, Б. Уорф, К. Фосслер, Ф. де Соссюрларнинг тил ва маданиятнинг ўзаро алоқадорлиги хусусидаги қарашлари. Маданият ҳақидаги тасаввурларнинг тилда намоён бўлиш усуллари. Оламнинг лисоний манзараси. Оламнинг концептуал манзараси. “Гештальт” тушунчаси.

Лингвомаданий бирликларнинг таҳлили. Метафора – маданиятнинг

кўрсаткичи. Маданий макондаги рамз ва стереотип ходисалари. Лингвомаданиятда лакуна муоаммоси. Паремаларнинг лингвомаданий жиҳатлари. Инсоннинг тил ва маданиятдаги ўрни. Инсон – миллий менталлик ва тил эгаси. Тил коммуникация ва фикрларни ифодалаш воситаси. Инсоннинг адабий жанрларда тадқиқотнинг асосий объекти эканлиги. Турли миллат вакилларининг ўзига хос автопортрети. Тил инсон шахсини аниқлашда муҳим воситалардан бири. Лисоний шахс. Лисоний шахснинг шакллантирувчи омиллар. Ю.Н. Карауловнинг лисоний шахс ҳақидаги қарашлари. Лисоний шахс моҳиятининг таркибий қисмлари: қадрият, маданият, индивидуаллик. Эркак ва аёлнинг жамият, маданият ҳамда тилдаги ўрни. Маданиятда “эркак – аёл” зиддияти. Аёл ва эркаклар раҳбарлари. Маданият ва тилдаги гендер категорияси. Аёл ва эркаклар нутқининг ижтимоий табиати ва ўзига хос хусусиятлари. Миф, фольклор ва тилда инсон образи.

### **Матн тилшунослиги**

Матн тилшунослигининг махсус ўрганилиши. Тил бирлиги. Гап тушунчаси. Тил тизимида матн сатҳи. Нутқнинг эмоционаллиги ва экспрессивлигини ифодаловчи воситалар. Матн - коммуникациянинг асосий бирлиги. Матннинг актуал бўлиниши: матнда тема ва рема муносабати. Матн турлари. Уйғур ёзуви обидалари. Эски ўзбек ёзуви матилари. XIV-XV аср матилари. XIX аср матилари. XX аср ўзбек тили матилари.

### **Прагмалингвистика**

Лингвистик белгининг умумсемиологик табиати. Лингвистик прагматиканинг амалий шаклланиши. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши. Лингвистик прагматиканинг умумий масалалари. Лингвистик прагматиканинг хусусий масалалари. Прагмалингвистика ҳақида назариялар. Олмош ва атоқли отларнинг прагма-семантик табиати. Прагмалингвистиканинг тил сатҳлариаро муносабати Прагматика ва семиотика.

### **Тилшунослик назарияси**

Тилшунослик фанининг предмети ва вазифалари. Тилшунослик фан сифатида. Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Тилнинг белгилик табиати. Система ва структура. Тил системасининг сатҳлари. Тил ва нутқ. Парадигматика ва синтагматика. Тил ва тафаккур. Тил ва жамият, социолингвистика. Тилнинг келиб чиқиши. Тил ва ёзув. Тилларнинг таснифи. Лингвистик оқимлар ва методлар.

Тилшунослик тарихи. Қадимги хинд тилшунослиги. Қадимги грек тилшунослиги. Ўрта асрларда араб тилшунослиги. Марказий Осиё тилшунослиги тарихи. Махмуд Қошғарий, Махмуд Замахшарий, Алишер Навоий ва бошқалар. Ўрта ва янги асрларда Европа тилшунослиги. В.Гумбольдт, А.А.Потебня, Ф. де Соссюр ва бошқалар таълимоти. XX аср структурал тилшунослиги. Функционал лингвистика. Глоссематика. Америка

дескриптив лингвистикаси. XX аср бошлари ўзбек тилшунослиги. Мустақиллик даври ўзбек тилшунослиги. Ўзбек систем тилшунослиги. Тилшуносликдаги янги йўналишлар.

### **Нутқ маданияти**

“Нутқ маданияти” курсига кириш. нутқ одоби. Воизлик маҳорати ва нутқ одоби. мулоқот хулқи ва миллий мафкура. Сукут ва коммуникатив мазмун нотикликнинг биринчи шарти. Мулоқот хулқининг ҳудуд жихатдан хосланиши. Сўз ва сийрат. Паралингвистика ва муомала маданияти. Мулоқот хулқининг функционаллашуви. Нотикликда Навоий сабоқлари.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

### **Асосий адабиётлар:**

1. Abdurahmonov G., Shukurov Sh., Mahmudov Q. O'zbek tilining tarixiy grammatikasi. – T.: O'qituvchi, 2008.
2. Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
3. Исоқов Ф. Эски ўзбек тили ва ёзуви. - Т., Ўқитувчи. 1995.
4. Мухторов Ж., Санакулов Ў. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
5. Тилшунослик назарияси ва методологияси. Тузувчи: Х. Дадабоев. – Т., 2004.
6. Holmanova Z. Tilshunoslikka kirish. – Toshkent, 2007.
7. Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. Тошкент: Фан, 2008.
8. Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдли. – Тошкент: Академнашр, 2012.
9. Рафиев А. Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси. – Т., 2004.
10. Тўйчибоев Б., Ҳасанов Б. Ўзбек диалектологияси. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. – Т., 2004.
11. Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфологияси. Т., 1994.
12. Ўзбек тили грамматикаси. I том. – Т.: Фан, 1975. II том. – Т., Фан, 1976.
13. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўқитувчи, 1992.
14. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Т., 2006
15. Шоабдурахмонов Ш., Аскарлова М. в.б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I-қисм. – Т.: Ўқитувчи, 1980.
16. Сайфуллаева Р. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили (Дарслик). - Т., 2010

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Ashirboyev S., Azimov I., Rahmatov M., G'oziyev A. Eski o'zbek tili va yozuvi praktikumi. – Т., 2006.

2. Абдуазизов А., Шереметова А. Общее языкознание. – Т., 2004.
3. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Андижон. 2006.
4. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент, 2002.
5. Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси. – Т., ЎУМ, ЎЗМУ, 2011.
6. Муродова Н. Ўзбек адабий тили ва шевалар лексикасининг қиёсий тадқиқи. – Т., Фан, 2005.
7. Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари. – Т.: Мухаррир, 2011.
8. Бегалнев М.Қ. Ўзбек тилининг Қорабулоқ шеваси лексикаси. – Т., Iqtisod-Moliya, 2007.
9. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: ЎУМ, ЎЗМУ, 2011. Ўзбек филологияси факультети кутубхонаси.
10. Нейматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
11. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
12. Нурмонов А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.
13. [www.dersimiz.com](http://www.dersimiz.com)
14. [www.altinmiras.com](http://www.altinmiras.com)
15. [www.thinsan.com](http://www.thinsan.com)